Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

# Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



## Кун нафаси

### Тадбиркорлар билан учрашув

Беруний туманида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси А.Оринбаевнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни ишга туширишда учраётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманлари ҳокимлари, мутасадди вазирлик, идора раҳбарлари, 200 нафарга яқин тадбиркор қатнашди.



### БААга визасиз бориш мумкин

Ўзбекистон фуқаролари 16 февралдан Бирлашган Араб Амирликларига визасиз боришлари мумкин.

2024 йил 16 январ куни БАА Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари ўртасида кириш виза талабларидан ўзаро озод этиш тўғрисидаги ҳамкорлик протоколи имзоланган эди. Ҳужжатга кўра, Ўзбекистон фуқаролари 30 кундан ошмаган муддатда БАА ҳудудида бўлиши даврида виза талабларидан озод этилган.



### Бухоро делегацияси Эронда

Бухоро вилояти делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси туризм қўмитаси раиси У.Шодиев ҳамда Ўзбекистоннинг Эрондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Насриев билан биргаликда Ҳамадон вилоятида бўлди.



### Биржада «Яшил энергия» сертификатлари

Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасининг Яшил энергетика секциясида илк бор «Яшил энергия» сертификатлари сотила бошланди. Бу ҳақда «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ахборот хизмати маълум қилди.



*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятига ташриф буюрди.*

# ОНГ ЎЗГАРГАН, ИШОНЧ ОРТГАН

## Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар














Келгуси сонларда ўқинг...

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига!**

***«Ishonch» газетасининг 2024 йил 3 февралдаги сонида «Ҳукумат қарори банди қонундан устунми?» сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда Адлия вазирлигига бир савол қўйилган эди.***

***Ушбу саволга муносабат билдирган Адлия вазирлиги мақолада кўрсатилган масала юзасидан қонуности ҳужжатини қабул қилган ваколатли давлат органига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқда.***

***Таҳририят ушбу саволнинг очиқ қолганини инобатга олган ҳолда, уни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига қайта йўллайди.***

# ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БАНДИ ҚОНУНДАН УСТУНМИ?


Адлия вазирлигига!

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БАНДИ ҚОНУНДАН УСТУНМИ?

**2021 йил 19 майда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг эса «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 312-сонли қарори қабул қилинди.**

Ҳукумат қарорининг 9-бандида «2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор камида «B2» даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим» деб қайд этилган. Шу асосда янги ишга кираётган хорижий тил ўқитувчиларининг конституциявий ҳуқуқи поймол этилмоқда. Уларда «B2» даражадаги миллий сертификат йўқлиги адлия хизмати ходимлари томонидан важ сифатида келтирилиб, ишга киришга ва меҳнат шартномасини тузишга тўсиқ бўлмоқда.

Юзага келаётган бу ҳолат, яъни ҳукумат қарорининг ўша банди Конституциямизнинг 16- ва 37-моддаларига ҳамда амалдаги Меҳнат кодексининг ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатларга доир 124-моддаси талабларига зиддир.

**Меҳнат кодексига кўра, ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

*– паспортни ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни ёхуд идентификацияловчи ID-картани, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки идентификацияловчи ID-картани;*

*– охирги иш жойи бўйича тасдиқланган қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасини ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, бундан биринчи марта ишга кираётган шахслар мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан олинган белгиланган намунадаги маълумотномани.*

**Демак, ишга кириш учун қўшимча «B2» даражадаги миллий сертификатни талаб қилиш мумкин эмас. Шундай экан, Вазирлар Маҳкамасининг 312-сонли қарори қонундан устун эмаслигига қарамай, нима учун педагогларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда?**

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*


***Қуйида эса Адлия вазирлиги муносабатини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168- қарори билан тасдиқланган Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомга мувофиқ марказлар юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва юридик хулоса беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-173-қарорига мувофиқ 2022 йил 1 августдан бошлаб марказлар томонидан мактабларга юридик хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахс олий ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълими ташкилотини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни, қайси ишни бажариш учун фақат махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлса, ўша ишга кириш чоғида ушбу ишни бажариш ҳуқуқига доир гувоҳномани (сертификатни) ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Жумладан, ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахсдан ушбу Кодексда, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-қарорига асосан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат таълим муассасаларининг хорижий ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Шунга кўра, ҳозирда марказлар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мактабларнинг буйруқ ва меҳнат шартномалари лойиҳаларига тегишли хулосалар бериб келинмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш Конституциявий суд ваколатларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 55-моддасига асосан, қонуности ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

Юқоридагиларга асосан, мақолада кўрсатилган масала юзасидан қонуности ҳужжатини қабул қилган ваколатли давлат органига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқлиги маълум қилинади.

**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи** **М.ҲАТАМОВ**




# САНЪАТГА БАХШИДА УМР

**Пойтахтимизда атоқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми, давлат мукофоти совриндори Равшан (Жалолиддин) Миртожиев хотирасига бағишлаб ёдгорлик-барельефнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Ёдгорлик Юнусобод туманида мусаввир яшаган уй пештоқига ўрнатилган. Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нур, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков ва санъат ихлосмандлари, Равшан Миртожиевнинг ҳамкасблари, дўстлари ва фарзандлари қатнашиб, улуғ санъаткорнинг умр ва фаолият йўлини ёдга олишди.

Тасвирий санъат галереясида «Мен ўзбекнинг мусаввириман» деб номланган кўргазмада ҳайкалтарош томонидан яратилган 50 дан зиёд санъат асари намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таниқли давлат арбоби Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, таниқли шоирлар, рассомлар, ижодкорнинг яқинлари ва жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*
***Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар***














DAVR

Tenglik hukm surgan joyda sotqinlik,
aldamchi ehtiroslar, g‘am-g‘ussa bo‘lmaydi.
Abu Rayhon Beruniy

2024-YIL 17-FEVRAL,
SHANBA
№ 23 (4931)

*Тошкент шаҳри*

*Жараён*



# ЎҚУВ ДАРСЛАРИ БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институтида Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги ҳудудий, бирлашган ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дарслари ташкил қилинди.**

Машғулотлар мавзуси «Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш» тўғрисида бўлиб, маърузачилар ўз соҳасининг етук мутахассисларидир.

Улар 2 академик соатга мўлжалланган вақт орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни ва уни амалиётда қўллаш, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, меҳнат соҳасидаги янгиликлар, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари ҳамда янги Меҳнат кодексига мослаштирилган жамоа шартномалари ва келишувлари ва касаба уюшмалари ҳаётига оид масалалар бўйича ўз билимларини тингловчиларга қизиқарли маълумотлар асосида етказиб бермоқдалар.

Дастурга маданий тадбирлар – Ўзбекистон касаба уюшмаларининг тарихи музейи, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига ташриф, шунингдек, Тошкент шаҳридаги театрларга бориш ҳамда сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништириш ҳам киритилган.

**Назокат НУРМАТОВА**

* * *

*Бухоро вилояти*

*Семинар*



# БИЛИМ – САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

**Бухоро вилояти ҳокимлигида ижтимоий шериклик асосида нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларни касаба уюшмасига жалб қилиш бўйича семинар ташкил этилди.**

Унда Бухоро шаҳридаги хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, БСК раҳбарлари қатнашди. Семинарда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов иштирокчиларга касаба уюшмаси афзалликлари ва меҳнат қонунчилиги тўғрисида тушунтиришлар берди.

Шунингдек, мавзуга алоқадор қўлланма ва буклетлар тарқатилди. Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ ва мазмунли жавоб олдилар.

Шу куни тармоқ тизимида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлар раислари учун ҳам ўқув уюштирилди.

– Бундай учрашувлардан кўзланган мақсад, тизимимизнинг асосий локомотиви саналган бошланғич бўғин раисларининг муаммолари, фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, уларни ҳал қилиш чораларини кўришдан иборат, – деди Баҳодир Султонов. – Айнан шунинг учун ҳам соҳага оид қонунчилик ва ҳуқуқий билимларини янада яхшилашга эътибор қаратяпмиз. Чунки ҳуқуқий саводхонлик, билим самарали фаолият кафолатидир.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

*Фарғона вилояти*

**Фарғона шаҳри кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Айниқса, «Эко шаҳар»нинг бунёд этилиб, киши ҳавасини келтирадиган турар-жой мажмуалари қад ростлагани шаҳар кўркига-кўрк қўшяпти. Мактаб, боғча, кўнгилочар масканларнинг қурилаётгани эса аҳоли учун яна бир қулайлик бўлмоқда.**

*Аъзолик афзалликлари*



# ЭКО ШАҲАРДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Муҳаммедханов бунёдкорлик ишлари авж олган ушбу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишди, қурувчи-усталар билан суҳбатлашди. Суҳбат асносида уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзалликлари тушунтирилди.

Шундан сўнг бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ва қурувчи-усталар ўртасида аъзолик афзалликларини тушунтириш бўйича мулоқот ташкил этилди.

Зеро, ташкилотда касаба уюшма қўмитасининг тузилиши иш берувчи учун ҳам, ишчилар учун ҳам бирдек фойдадир.

Самарали кечган мулоқотда иш берувчилар ҳам ўз ташкилотларида касаба уюшма қўмитаси тузилишидан манфаатдорликларини, уста-қурувчилар ҳам касаба уюшмага аъзо бўлишга тайёр эканликларини билдиришди.

**Зоҳиджон ҚОДИРОВ,**
*Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси*

*Хоразм вилояти*

*«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги йиғилишда хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.**



# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Йиғилишни вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева олиб борди.

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят штаби раҳбари ўринбосари, Темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Олимжон Холбоев ҳудудда эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизликни бартараф қилиш, «Аёллар дафтари» 5-босқичида қамраб олинадиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни танқидий таҳлил қилди.

Вилоят штаби қошида ҳар бир йўналишда ишчи гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, амалга оширилаётган ишлар доимий назорат қилиб борилмоқда.



Жумладан, ишчи гуруҳи томонидан «Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликдан холи ҳудуд» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Дастур доирасида 2800 дан зиёд аёлларнинг муаммолари аниқланиб, айни пайтда 343 нафар опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланган. 37 нафарининг уй-жойи таъмирланган. 42 нафарига бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам ажратилган. 200 нафарига моддий ёрдам кўрсатилган. 5 нафарининг ўқув контракт тўловлари тўлаб берилган. Бундан ташқари, аёлларга алимент пулларини ундиришда, шунингдек психологик, тиббий, ҳуқуқий ёрдамлар ҳам кўрсатилмоқда.

Йиғилишда учта йўналишда ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*

*Наманган вилояти*

*Таҳлил*

# АҲАМИЯТГА МОЛИК ИШЛАР

**Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилоятидаги тармоқ ташкилотларида жамоа шартномалари ва унинг бажарилишига бағишланган конференциялар бўлиб ўтди.**

«Ўзбектелеком» корхонаси, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг Наманган филиали ҳамда Нодирабегим номидаги ахборот-кутубхона марказида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Уларда ҳар бир ташкилотда ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, давлат ижтимоий кафолатларини такомиллаштириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ишларини ташкиллаштириш борасида бир қатор аҳамиятга молик ишлар олиб борилгани таъкидлаб ўтилди.



Тармоқ корхоналарида ходимлари энг кўп саналган «Ўзбектелеком» акциядорлик жамиятида айни пайтда 800 нафарга яқин ишчи-ходим фаолият кўрсатаётир, улар орасида 150 нафари аёллар, 120 нафардан зиёди эса 30 ёшгача бўлган вакиллардан иборат.

– Алоқачиларимизнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида 30 нафар ходимимизга «Океан» сув спорт саройига йўлланмалар берилди, – дейди ташкилот касаба уюшмасининг бошланғич қўмитаси раиси Бахтиёр Турдиев. – Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 25 нафар ходимга, аъзолик бадали ҳисобидан эса 18 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратилди. Алоқачилар касб байрами муносабати билан тизимда ишлаб кетган нафақадаги кексалар ҳолидан хабар олинди ва уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ҳисобот-йиғилиш конференцияларида ташкилотнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари жойларда меҳнат муҳофазаси юзасидан қилинган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Боиси касаба уюшмаси нафақат ифода этувчи, балки ҳимоя қилувчи ташкилот эканлиги боис ишчиларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб беришда иш берувчи олдига ўз талабини қўйишга ҳақлидир.



Биргина «Ўзбектелеком» корхонасининг ўзида меҳнат муҳофазаси, иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида уч юз миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Ушбу корхоналардаги жамоа шартномаларига бағишланган конференцияларда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Мирзоҳид Содиқов иштирок этди.

**Орзугул РУСТАМОВА**
*«ISHONCH»*

*Навоий вилояти*

*Эътибор*

**Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади. Шу боис навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтидорларини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалага шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эзгу мақсадда ўтказилаётган турли танловлар ва тадбирлар ҳам ўғил-қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу уларни касаба уюшмалари тизимига кенг жалб этиш, ижтимоий-сиёсий кўникмаларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ интилишларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда.**

# ҚАЛБЛАРДА ЖАСОРАТ ВА ЖУРЪАТ

Масалан, кейинги йилларда иш берувчилар билан тузиладиган жамоа шартномаларига ижтимоий тенглик ва адолат мезонлари ўз ифодасини топган бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, касб-ҳунар мактабларида, академик лицейларда, нуфузли олий ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларимиз ўртасида билимлар синови ва бошқа беллашувлар ўтказиб, ғолибларни муносиб рағбатлантириш хайрли анъанага айланди.

Энг муҳими, касаба уюшмалари фаолларининг бевосита аралашуви натижасида Навоий вилоятида бир неча минглаб ёш оилаларга турли даражада моддий ёрдамлар кўрсатилди, кам таъминланган оилалар фарзандларига эса иш берувчилар томонидан дарсликлар ҳамда бошқа ўқув жиҳозлари олиб берилди. Аёллар учун ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш соатлари қатъий белгилаб қўйилди. Ўғил болаларга ҳарбий хизматга бориш харажатларини тўлаш учун алоҳида ссудалар ажратилди. Уй-жой қуриш ёки таъмирлаш, маиший техникалар сотиб олиш истагида юрганлар ҳам амалий ёрдамлардан баҳраманд бўлишди. Айниқса, Навоий давлат педагогика институти талабаси Бекойим Мустафоева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жорий қилган махсус стипендияга лойиқ кўрилгани барча илм толибларини руҳлантириб юборди. Нурота туманидаги «Чашма», Қизилтепадаги «Айдаркўл», Хатирчидаги «Лангар» зиёратгоҳларига илк бор қадам ранжида қилган 800 нафардан зиёд йигит-қизлар ҳозир ўқишда, жамоат ишларида фаол қатнашишда, касаба уюшмаларига аъзолар сонини кўпайтиришда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ўсиб келаётган авлоднинг энг севимли машғулотлари сирасига киради. Мамлакат, минтақа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиш ҳамда ғолибликни қўлга киритиш бир неча юзлаб навоийлик ёшларга ҳам насиб қилаётгани вилоят аҳли, ота-оналар, мураббий ва терма жамоалар аъзолари қувончига қувонч қўшмоқда.

Кенгашимиз бу йил ҳам ёшлар ҳаёти, ижоди, саломатлиги ва интилишларига дахлдор қатор янги режаларни белгилаб олган. Уларни босқичма-босқич бекаму кўст бажариш ниятидамиз. Айниқса, зурриётларимиз учун яратилаётган янги иш ўринларининг ҳаққонийлигини таъминлаш, бу борадаги жамоа шартномаларини кенг жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, хоҳлаганларни кичик бизнес ва ўрта тадбиркорликка йўналтириш ҳамда ссудалар бериш, соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги билан боғлиқ тарбиявий соатларни янада кенгайтириш, бу масалаларга маҳаллий ҳокимиятлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини, тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш муҳим вазифаларимиздир.

Биз келажамиз ворислари бўлмиш ёшлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшашлари учун баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

**Дилафрўз ЎРАЗОВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси*

Сўнгги йилларда халқаро ҳамжамият дунёда озиқ-овқат етишмовчилиги юзага келиши мумкинлигидан мунтазам огоҳлантирмоқда. Экспертлар фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги вазият ёмонлашиши 2017 йилдан бери кузатилмоқда. Жорий йилнинг 6-7 февраль кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган «Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назарида озиқ-овқат адолати: воқелик ва келажак муаммолари» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ушбу муаммолар атрофида сўз юритилди. Биз анжуманда иштирок этган мамлакатимиз делегацияси раҳбари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик.





*Суҳбат*

# ОЗИҚ-ОВҚАТ АДОЛАТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

## Ушбу мавзудаги халқаро анжуманлар қанчалик муҳим?

– Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда БМТ ва унинг тегишли тузилмалари сайёрамиз миқёсида озиқ-овқат тақчиллиги юзага келишидан огоҳлантирмоқда ва бунга турли нохуш омиллар сабаб бўлаётгани ҳақида ташвишли хулосалар бермоқда, – деди А.Саидов. – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳисоботига кўра, 2020 йили жаҳоннинг 55 мамлакати ва минтақасида камида 155 миллион киши турли можаролар, иқлим ўзгаришлари ҳамда коронавирус пандемияси туфайли келиб чиққан иқтисодий инқирозлар оқибатида кучли очлик ҳолатига тушиб қолган. Бу кўрсаткич 2019 йилгига нисбатан деярли 20 миллион кишига кўпдир.

2022 йилда эса глобал кўламда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи кўтарилиши сабабли озиқ-овқат сотиб ололмаслик муаммоси пайдо бўлган. Бултур сайёрамиз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашга боғлиқ вазият янада қалтислашди.

Бундай салбий ҳолатлар юзага келишига дунёнинг турли ҳудудларидаги нотинч вазият, шу боис ўғитлар экспортининг пасайиши ва бир вақтнинг ўзида ушбу турдаги маҳсулот нархи ошиши, ана шу омилларнинг фермерлар фаолиятига тўсқинлик қилиши асосий сабаблар сифатида кўрсатилмоқда. Қолаверса, сув тошқини, қурғоқчилик каби нобоп об-ҳаво ҳодисалари ҳам озиқ-овқат таъминотига салбий таъсир қилишидан хавотирланиш кучаймоқда.

**– Ер юзидаги ҳар бир инсоннинг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини таъминлашда ушбу соҳага ихтисослашган тузилмалар фаолияти қандай самаралар бераяпти?**

– Эътибор қилинг: 1945 йили тузилган БМТ дастлабки сессиясидаёқ ўзининг ихтисослашган муассасаси ҳисобланувчи Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, яъни ФАОни таъсис этган. Унинг зиммасига Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўта мураккаб шароитда, таъбир жоиз бўлса, ҳалокатли бир вазиятда бутун дунёда очликка қарши курашиш борасида халқаро ҳамжамият амалга оширадиган глобал саъй-ҳаракатларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган.

Ўтган давр мобайнида у халқаро ҳамжамият ишончини оқлади, десак, янглишмаймиз. Чунки бу ихтисослашган ташкилотнинг 195 аъзоси – 194 та мамлакат ва Европа Иттифоқи давлатлари ҳамда ФАО иш олиб бораётган 130 дан зиёд мамлакатнинг фаол иштирокида жаҳон аҳолиси учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳар бир инсон мунтазам равишда сифатли овқатланишини кафолатлаш йўлида муҳим амалий қадамлар қўйилди.

Ўз навбатида, XXI аср ҳам инсоният бошига уруш қирғинбаротларидан кам бўлмаган ҳалокатли офатларни кетма-кет ёғдирмоқда. Шулардан бири COVID - 19 пандемиясидир. Бу шафқатсиз бало оқибатида сайёрамиздаги оч ва муҳтож кишилар сони кескин ортди. Қанчадан-қанча одамлар ишсиз ва таъминотсиз қолди, ёшларнинг аксарияти нафақат таълим олиш, балки шунчаки қорин тўқлаш имконидан ҳам маҳрум бўлди.

Қақшатқич урушлардан кам бўлмаган даражада хатарли глобал офат туфайли биргина озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлаш тизимининг ўзида миллионлаб ходимлар ишсиз қолган оғир шароитда ФАО фаолияти нечоғлик муҳимлиги яна бир бор яққол намоён бўлди. Эндиликда мазкур халқаро ташкилот жаҳон ҳамжамияти олдида турган қуйидаги янги ва долзарб муаммоларни ҳал этиш билан астойдил шуғулланмоқда:

- *очларни овқатлантириш;*
- *бошқа барча инсонларнинг озиқ-овқати сифатини яхшилаш;*
- *соғлом таомланиш маданиятини ошириш;*
- *озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;*
- *бунда исрофгарчиликларнинг олдини олиш;*
- *ҳайвонот ва наботот дунёсининг йўқолиб бораётган ноёб турларини асраб қолиш;*
- *қишлоқ хўжалиги соҳасида атроф-муҳитга зиён етказмайдиган ва унумдор ҳосилдорлик фаолиятини ривожлантириш;*
- *«яшил иқтисодиёт»ни татбиқ этиш каби масалаларни ҳал этиш.*

Бу ҳақда фикр юритганда, ФАОнинг «Рақамли 1000 та қишлоқ» ташаббуси сайёрамизнинг бир қатор қишлоқ жойларида турмуш сифати яхшиланиб, янги давр талаблари даражасига мослаштирилаётганини қайд этиш лозим. Айни ташаббус мамлакатимиз қишлоқларида ҳам кенг ёйилаётгани боис ҳамюртларимиз йилнинг жазирама ва қурғоқчил фаслида ҳам замонавий техника-технологиялар кўмагида қишлоқ хўжалиги экинларидан салмоқли ҳосил олаётганларига ҳаётий мисоллар бисёр.

Энг асосийси, коронавирус офати ва унинг оқибатида юзага келган бутунжаҳон иқтисодий бўҳрони дунё жамоатчилигини катта ташвиш ва хавотирга солиб қўйганди. Шукрки, БМТ, ФАО каби халқаро ташкилотлар, фаол давлатлар ва фидойи замондошларимизнинг амалий саъй-ҳаракатлари эвазига, бир томондан, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва тақсимлаш тизими қайтадан ўз изига тушмоқда, иккинчи томондан, соҳага рақамли технологияларни татбиқ этиш орқали озиқ-овқатлар миқдорини ошириш, нархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш йўлида муайян натижалар қўлга киритилмоқда.

Сўнгги ўн йилларда «яшил инқилоб» ва инновацион технологиялар кенг жорий этилиши шарофати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди.

**– Бугунги кунда озиқ-овқат адолати ва инсон ҳуқуқлари мавзусига бағишланган форумлар қанчалик муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

– Ўрта асрларда яшаб ўтган улуғ аллома ва табиб бобомиз Абу Али ибн Сино ўз даврида **«Кимки узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришни истаса, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратсин»,** деб таъкидлаганлар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ФАО техник кўмагида 2023 йил 7-8 сентябрь кунлари Самарқандда ўтказилган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида Ибн Сино ҳазратларининг бу ҳикматли сўзларига мурожаат қилгани бежиз эмас.

Нега деганда, орадан юз ва минг йиллар ўтганига қарамай, озиқ-овқат хавфсизлиги, уни барқарор етказиб бериш, очлик ва қашшоқликка қарши кураш масалалари бугун ҳам инсоният учун долзарб бўлиб қолмоқда. Коронавирус пандемияси, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги инқирозлар эса, албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида занжирлар узилиши ва нархлар ошиши мисолида бу борадаги аҳвол янада қалтислашишига олиб келди.

Ўзбекистон Президенти бундан айниқса ривожланаётган мамлакатлар жабр кўраётганига эътиборини қаратди. Давлатимиз раҳбарининг фикрича, **«Глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимига инвестиция ҳажми камайиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Бу эса барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдирмоқда».**

Янада муҳими, Президентимиз Самарқанд форумига йўллаган табригида **«дунё аҳолиси ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш – узоқ давом этадиган жараён»** эканлигини эътироф этган ҳолда, бу борада бир қатор янги ташаббус ва ғояларни илгари сурди.

**Биринчидан,** «Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, ташқи таъсирларга чидамли навларини яратиш, чорва наслини яхшилаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерлар ва кичик ишлаб чиқарувчилар учун ахборот-консалтинг марказларини ташкил этиш, уларни ресурс тежайдиган илғор технология ва усуллар бўйича ўқитиш учун агро-консалтинг хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ҳам долзарб бўлиб бормоқда».

**Иккинчидан,** «Замонавий технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фермерлар учун бир хилда очиқ ва ҳамёнбоп бўлиши керак. Биз халқаро молия институтларини ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг «яшил технологиялар»дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга чақирамиз».

**Учинчидан,** «Биз энг зарур маҳсулотлар савдоси ва транспортировкасида тўлиқ эркинлик ҳамда озиқ-овқат юклари ҳаракатини тартибга соладиган қоидаларни соддалаштириш тарафдоримиз. Савдо йўллари хавфсизлиги ва очиқлигини таъминлаш давлатлараро муносабатларда ўзгармас тамойил бўлиб қолиши зарур».

Самарқанд конференцияси давомида ана шу янги ташаббуслар юзасидан атрофлича фикр алмашилди ва глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим масалалар ечимлари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Форум якунида қабул қилинган Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги Самарқанд декларацияси Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқаро анжуманда эришилган келишувларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, шу ўринда Президентимиз 2022 йили қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида бугунги кунда дунё миқёсида глобал аҳамият касб этаётган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлагани ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки давлатимиз раҳбари ШҲТнинг худди шу олий даражадаги мажлисида мазкур ҳаётий масалаларни кенг муҳокама этиш мақсадида Самарқандда халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурганди.

**– Доҳа халқаро конференцияси тафсилотларига ҳам мухтасар тўхталсангиз.**

– «Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назарида озиқ-овқат адолати: воқелик ва келажак муаммолари» мавзусидаги бу халқаро анжуман бутун дунё бўйлаб ҳар бир инсоннинг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Унда 300 дан ортиқ ҳукумат ва ноҳукумат ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Конференция очилишида Қатар давлатининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қўмитаси раиси Марям бинт Абдуллаҳ ал-Аттияҳ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ўринбосари Нада ал-Нашиф, Араб давлатлари лигаси бош котиби Хаифа Абу Газалех, БМТ Озиқ-овқат ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси Майкл Фахри, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби Жассим бин Моҳаммед ал-Будаиви сўзга чиқди. Улар:

**биринчидан,** глобал озиқ-овқат инқирозини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тушунишга тизимли муносабатни шакллантириш мақсадида халқаро ва миллий даражада озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ қонунчилик, сиёсат, стратегиялар ва дастурларни кўриб чиқиш;

**иккинчидан,** ҳукуматлар ва халқаро компанияларни озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқариш учун инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув билан ишлашга ундайдиган механизмлар ва воситаларни таклиф қилиш;

**учинчидан,** барча одамларга бошқариладиган ва самарали қоидаларга мувофиқ йил давомида хавфсиз, тўйимли ва етарли озиқ-овқатдан фойдаланиш имкониятини бериш;

**тўртинчидан,** манфаатдор томонларнинг бу борадаги ўз мажбуриятларига қай даражада содиқлигини назорат қилиш салоҳиятини кучайтириш ҳамда улар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён қилдилар.



Форум якунида **Озиқ-овқат адолати бўйича Доҳа декларацияси** қабул қилинди.

Ушбу конференция глобал лидерлар, экспертлар ва фаоллар учун кучларни бирлаштириш ҳамда озиқ-овқат адолати ва хавфсизлигининг кўп қиррали муаммоларини ҳал қилиш учун муҳим мулоқот майдонини тақдим этади. У жаҳон озиқ-овқат тизимидаги очлик, тўйиб овқатланмаслик ва тенгсизлик каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича фикр, тажриба ва инновацион стратегиялар алмашиш имконини берди.

Халқаро конференцияда бугунги дунёмизнинг иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик, уюшган зўравонлик, қуролли можаролар ва экологик муаммолар каби озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ёндашув ҳар бир инсонни етарли, арзон ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш имкониятини берадиган тинч, барқарор ва адолатли глобал озиқ-овқат тизимларини яратиш муҳимлигининг ўзига хос тасдиғи бўлди.

Мазкур форум бутун дунёда долзарб тус олган озиқ-овқат сиёсати ва амалиётида барқарор ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан ғоят аҳамиятлидир. Доҳа конференцияси – инсон ҳуқуқлари бўйича глобал кун тартибидаги муҳим воқеа, яъни озиқ-овқат адолатини бутун инсоният учун рўёбга чиқариш йўлида жаҳон ҳамжамияти томонидан қўйилган том маънодаги дадил қадам бўлди.

**– Халқаро конференцияда мамлакатимиз делегацияси иштирокининг аҳамияти нимада?**

– Аввало, Ўзбекистон делегациясининг ушбу нуфузли анжуманда қатнашиши натижасида халқаро ҳамжамият мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар ҳақида хабардор қилинди.

Яна бир муҳим натижа: Қатар давлатининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қўмитаси аъзолари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертлар жамоаси томонидан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида эришган ютуқлари ҳамда бу борадаги дастур ва стратегиялари юқори баҳоланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқни таъминлашдаги роли кўп қирралидир. У озиқ-овқат хавфсизлигини миллий устувор вазифага айлантирадиган сиёсат тарафдори бўлиб, инсоннинг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқини қонунчилик базасига киритиш учун изчил иш олиб бормоқда.

Миллий марказ жамиятнинг барча даражаларида ушбу ҳуқуқ ҳурмат қилиниши, ҳимоя қилиниши ва таъминланиши учун турли секторлар билан ҳамкорлик қилади. Ҳукуматнинг ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатларини мониторинг қилиш, аҳоли хабардорлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида энг заиф бўлган қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар бир фуқарони тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлайдиган самарали тизимни яратишга ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

Миллий марказ раҳбарининг озиқ-овқат адолатига бағишланган халқаро конференцияда қатнашгани ушбу соҳадаги муаммоларни глобал миқёсда ҳал қилишга интилишимизнинг амалий ифодасидир. Форумда иштирок этиш асносида:

**биринчидан,** Ўзбекистонда озиқ-овқатга бўлган ҳуқуққа эришиш бўйича ўз билим ва тажрибамиз, жумладан, енгиб ўтилган қийинчиликлар ва самарали деб топилган стратегияларимиз билан ўртоқлашдик;

**иккинчидан,** муҳокамаларда фаол қатнашиб, озиқ-овқат адолати масалалари бўйича миллий нуқтаи назаримизни таклиф қилдик ва мамлакатимизнинг бу борадаги ёндашувини янада такомиллаштириш учун хорижий ва халқаро ҳамкорларимизнинг илғор тажрибаларини ўрганишга интилдик;

**учинчидан,** Ўзбекистонда ҳам, халқаро ҳамжамиятда ҳам озиқ-овқат адолатини таъминлаш учун бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш тарафдори эканимизни очиқ англатдик;

**тўртинчидан,** конференция якунланганидан кейинги даврда инсоннинг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқи ҳурмат қилинишини ва мамлакатимизнинг бу соҳадаги сиёсати энг сўнгги халқаро стандартлар ва инновацион амалиётларни ўзида акс эттиришини таъминлаб, бу ёндашувни миллий ҳаракат режаларимизга уйғунлаштирмоқдамиз.

Сирасини айтганда, Доҳа халқаро конференциясида қатнашганимиз – Ўзбекистонда ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва ҳар бир инсоннинг озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлашга содиқ эканидан ёрқин далолатдир.



**Ғулом МИРЗО**
*суҳбатлашди*

Malohidlarga aytur edim: yolg‘on so‘zlar birlan g‘azab o‘tini alangalatmangiz...

Amir Temur

2024-YIL 17-FEVRAL, SHANBA
№ 23 (4931)




## МИНТАҚАМИЗДА ИЛК ДОРИХОНА ҚАЕРДА ОЧИЛГАН?

**Марказий Осиё илк цивилизация ўчоқлари бўлиш билан бир қаторда, кўплаб кашфиёту ихтироларга, илм-фан ютуқларига бой замин ҳамдир. Тарихий манбаларга қараганда, ғилдиракдан тортиб ўқ-ёйгача, меҳнат қуролларидан рўзғор буюмларигача – барчаси Марказий Осиё ҳудуди аҳолисининг закий ва зукколиги эвазига шу ерларда пайдо бўлган. Бундан ташқари, илк дори-дармонлар ва дорихоналар ҳам юртимизда очилгани ҳақида етарлича тарихий далиллар бор. Аниқроғи, Бухоро воҳасининг ўта қадимий ҳудуди саналган Пойкент шаҳри харобаларидан минтақамиздаги биринчи дорихона қолдиқлари топилган.**

– Бир неча йиллар аввал Франциянинг Лувр, Россиянинг Эрмитаж музейи мутахассислари ва Италия археологлари ҳамкорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида VII-IX асрларга оид «Пойкент дорихонаси» топилиши оламшумул янгилик бўлган эди, – дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобожонов. – Текширишлар натижасида бу дорихонада табиблик ва дори тайёрлаш амалиётлари ўтказилгани аниқланган. Шунингдек, у ердан жуда кўплаб шиша идишлар, буюмлар, жумладан, олимлар алимбиклар деб атайдиган қон сўрувчи идишлар жамланмаси топилган. Бу эса Бухоро қадимдан тиббиёт ривожланган марказлардан бири бўлганидан далолат беради. Ўтган асрнинг 80-йилларида очилган «Пойкент дорихонаси»дан жами 12 дона алембик топилган.

Тарихшунос фикрича, Пойкентдаги сопол четларига битилган ёзувлар, сопол бўлакларига чекиб ёзилган арабча ёзув намуналари ҳам мазкур бино фақат шу йўналишда хизмат қилганини исботлайди. Топилган ёзма маълумотларга кўра, дорихона ва кимёвий лаборатория мижозлари кўплиги билан алоҳида ажралиб турган. Манбаларда айрим исмлар ёзилиб, ҳафтанинг маълум кунлари ва йил саналари қайд этилган. Доришунос буюртмачидан буюртмани қабул қилиб олган санани сопол бўлагига қора туш билан ёзиб қолдиргани ҳақида бир нечта далиллар ҳам мавжуд. Қолаверса, қадимий шаҳар харобаларининг ҳунармандлар яшаган мавзесида шиша идишлар ишлаб чиқарадиган устахона ҳамда беморлардан қон оладиган пробирка ва банка идишлар топилгани тиббий ашёлар шу ерда ишлаб чиқарилганидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, тиббиёт илми кўп минг йиллар олдин Бухорода гуллаб-яшнаган. Асрлар ўтиб шу заминдан Абу Али ибн Синодек буюк аллома етишиб чиққани ҳам бежиз эмас, албатта.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*тайёрлади.*

Сиз нима дейсиз?

# Умрнинг эговига айланган ИЛЛАТ



– Онаси, аччиққина чой обке, бошим отилиб кетай деяпти... Ҳой, хотин, нима бало, қулоғинг том битганми? Ёки гапимни бир тийинга олмаяпсанми? Чой дамла, дедим сенга.

Бу пайтда аёл қўшни хонада жойнамоз устида кўзларида ёш билан дуо қиларди: «Аллоҳим, оиламга тинчлик, барака ва шодлик бер. Манави бандангга ҳам инсоф кириб, ароқ ўлгурни ичмасин, илоҳим».

– Ҳа, ўзингча намоз ўқиб, мусулмончиликни қойиллатаяпсан-да-а. Чақирсам, эшитмаганга соласан... Хуллас, ҳозир менга ё пул, ёки ароқ топиб бер.

– Дадаси, уйда пул йўқлигини биласиз-ку. Шунинг учун болаларга мактабда ейиши учун уйда ул-бул тайёрлаб бериб юбордим. Мен-ку, майли, жилла қурса шу фарзандларингиздан уялинг. Уларни на яхши овқатлантиряпмиз, на дуруст кийинтиряпмиз. Бир ўзимнинг топганим рўзғорга етсинми, ижарагами ё шу заҳри қотилгами?

– Сен аҳмоқ хотиннинг тилинг чиқиб қолибдими? Эй товуқмия, билиб қўй, аёл киши эрига гап қайтармайди. Билсанг, бу уйда мен эркакман. Тушундингми? Тушунмадингми, унда мана, санга!.. Мана, мана, санга!..

Минг афсуски, бундай нохуш воқеалар турли тез-тез рўй бериб туради. Уларнинг асосий сабабчиси эса алкоголизмдир. Тўғри, озиқ-овқат хомашёсидан тайёрланадиган спирт фақат таркибида алкоголь бўлган ичимликлар ишлаб чиқаришда эмас, балки тиббиёт, радиоэлектроника, техника, парфюмерия ва бошқа соҳаларида ҳам ишлатилади. Демак, унинг инсон корига ярайдиган фойдали жиҳатлари ҳам бор. Бироқ ундан тайёрланадиган алкогол ичимликлар умрнинг эговига айланиб, инсониятга катта зарар етказмоқда. Масалан, кейинги пайтларда ҳар йили 2,8 миллион нафардан ортиқ киши ичкилибозлик туфайли вафот этмоқда. Энг ачинарлиси, уларнинг аксарияти ҳали 35 ёшга ҳам тўлмаган кишилардан иборатдир. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, ичкиликбозликнинг касофати баъзан бошқаларга ҳам урмоқда. Чунки айрим кишилар маст-аласт ҳолда машина бошқариб, автофалокатга йўлиқмоқдалар. Шу жараёнда машинасида ўтирган ёки йўлдан ўтиб бораётган йўловчиларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолиши-чи?

Учинчидан, ичкиликбозлик «шарофати» билан оилавий ажримлар янада кўпайиб, бегуноҳ гўдаклар етимга айланяпти. Ёки сархуш бўлиб олиб жанжаллашишлар туфайли оила аъзоларининг тинчлиги бузиляпти. Энг ёмони, бу ҳолатлар болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти.

Тунни йиғлаб бедор ўтказган онанинг, кўзи кўкармаган куни йўқ аёлнинг, ўртоқлари сафига қўшилишдан уяладиган, тўйларда отасининг маст ҳолда алжираб юришидан эзиладиган ўғилнинг аҳволини кўриб, ачинмай бўларканми ахир?! Лекин бу билан бирортасининг ҳам корига ярай олмаймиз, дардига дармон бўлолмаймиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун биз қачон ичкиликбозликка қарши жиддий кураш олиб борамиз? Бу борада қачон кенг жамоатчилик ва тегишли ташкилот-идоралар билан ўзаро ҳамжиҳатликда ижобий натижаларга эришадиган даражада иш юритамиз?..

**Зебинисо АБДИЛАЗИЕВА,**
*ЎзЖОКУ талабаси*

Ўйлар

# АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ

## У нега ва қандай рўй беради?



**Авлодлар алмашинуви... Менимча, унга вақт, турли ихтиролар, кашфиётлар, ахборотнинг фаоллашуви сабабчидир. Мен «Z» авлодига мансубман. Лекин баъзида «X» ёки «Y» авлодидек фикрлайман. Ўзимни худди аросатда қолгандек ҳис этаман.**

Кийиниш услуби, мода ҳам алмашинувга боғлиқ. Шахсан мен ҳозирги замонавий кийимлар, «қийқириқ» модаларга учиб кетавермайман. Ярашганини кияман. Бундан кўриниб турибдики, менда турли авлодларнинг феъл-атвори, дунёқараши колобрация ҳосил қилган.

Энди эътиборингизни батамом бошқа томонга – ижтимоий тармоқларга қаратмоқчиман. Интернет оғирни енгил, узоқни яқин қилиш ва бошқа яхши мақсадлар йўлида фойдаланиш учун ихтиро қилинган. Лекин кўпчилик ундан қай мақсадларда фойдаланаётганини улар оммага кенг тарқатаётган видеолар ва трендлардан билиб олишимиз мумкин. Мен ҳақиқатга яқин бир нарсадан – авлодлар алмашинуви содир бўлавергани сайин одамзоднинг зеҳни пастлашиб бораверишидан қўрқаман.

Ҳозир мен охирги авлод вакили эмасман. Мендан кейин «alfa» ҳам бор. Бу авлод вакиллари телефон билан туғилганга ўхшайдилар. Ҳали ақл-ҳушини танимайдиган, зўрға юриб, аранг гапирадиган гўдаклар бу алоқа воситасини мендан, айниқса, «X» авлодидан яхшироқ тушунади, назаримда. Биз гўдаклигимизда нонни «нанна» деб, оғзимиздан сўлагимиз оқиб юрганмиз. Бугунги болалар-чи? Оғзида сўрғич, телефонида эса «You tube», «PUBG mobile»...

Илгари ота-оналар фарзандларига «Тез овқатланиб ол, кейин уй ишларини қиласан», ёки ёш болага «Овқатингни емасанг, сени анави ёвуз амакига бериб юбораман», дерди. Ҳозир-чи?..

Шўрлик оналар фарзандларини ялиниб-ёлвориб овқатлантиришади. «Овқатингни есанг, телефон ўйнайсан, кўчага чиқамиз, хоҳлаган нарсангни олиб бераман», дейишади. Шунда ҳам баъзи болаларга гап уқтириб бўлмайди. Агар уларнинг ўрнида мен бўлганимда, овқатни паққос туширган бўлардим.

Менимча, ёш ниҳолларнинг тобора инжиқлашиб бораётганида биз, катталарнинг айби бор деб ўйлайман.

**Олим ТЎРАЕВ**




Танлов

# Ёш дизайнерлар маҳорати

**Тўрақўрғон туманидаги 2-касб-ҳунар мактабида ўқувчи-қизлар ўртасида «Модалар ва рассомчилик кўргазмаси» мавзусида кўрик-танлов уюштирилди.**

Миллий либосларни оммалаштириш, ёшларнинг ижодий қобилиятини намоён этиш ва ривожлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда рассом-дизайнерлик борасидаги маҳорат бўй-басти билан намоён бўлди.

Танловда ўқувчи-қизлар турли модалар акс этган эскизларини тақдим этишди. Танлов асноси иштирокчилар келгусида касб танлашларида асқотадиган кўникмаларга ҳам эга бўлишди.

Тадбир давомида мактаб директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Гулчеҳра Қаюмова ижод ва меҳнатнинг чамбарчас боғлиқлигини, ёшлар бўш вақтини керакли ва самарали машғулотларга сарфлаши лозимлигига эътибор қаратди.

Бу каби тадбирлар ёшларнинг мустақил фикрлаши, илм олиши ва ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтириши, шубҳасиз.

**Гулжамол ОТАБОЕВА**

Тошкент вилояти

Сирли олам

# ҲАЁТГА ТАШНАЛИК

**Ёшлигимда Қуйи Чирчиқ тумани марказидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшар, бир неча чақирим нарида эса ҳовлимиз бор эди. У ерга ҳали уй-жой қурилмаган томорқага эса ул-бул экиларди.**

Кўпгина мевали дарахтларимиз пайвандланган бўлиб, улар орасида антиқалари ҳам бор эди. Биз болаларнинг энг яхши кўрганимиз, бу бир қарашда шафтолига ўхшайдиган, ранги қизғиш-сариқ йирик олхўри шунақанги хушбўй, ўта мазали бўлганидан ёнидан кетолмасдик.

Бир куни томорқани чопиш учун борсак, дарахтни шира босиб кетибди. Уни виж-виж арилар ўраб олганди. Шунда дадам шу яқин-орада яшовчи амакимни чақириб келди. Икковлари дарахт ёнида узоқ гаплашишди.

– Қаттиқ шира босибди. Энди бўлмайди бу дарахт, – деди дадам. – Ари кўп экан, ҳозир эмас, кеч кирганда чопиб ташлагин. Яна пайвандлаб, худди шунақа мева олармиз ҳали бир кун.

Улар яна алланималарни муҳокама қилишди. Биз эса дарахтга роса ачиндик...

Эртаси тушдан кейин укаларим билан амаким чопиб ташлаган севимли олхўримизни кўришга юрагимиз бетламай, боққа кириб бордик. Не кўз билан кўрайликки, ҳалиги дарахтда умуман шира йўқ, яшнаб турибди. Ариларнинг ҳаммаси дарахт тагида узала тушиб ётибди, худди гилам тўшалгандек...

Кейин маълум бўлишича, амаким дадам билан гаплашгач, дарахтни чопиш эсидан чиқиб кетган экан. Лекин дарахтдаги шира бир кечада қаёққа йўқолди, арилар нима сабабдан ўлиб ётибди, бунга ҳеч биримизнинг ақлимиз етмади.

Дарахт ва ўсимликлар одамни эшитиши тўғрисидаги гаплар чўпчак деб ўйлардим. Лекин ўшандан кейин бу синоатга ишондим. Улар ҳам жонли, нафас олади, ўсади. Узоққа бориб нима қилдим. Чунки тувакдаги гулнинг ҳам тортишувлар, ҳақоратлар бўладиган хонада кўкармай, қовжираб қолганини кўп бор кўрганман. Ҳа, борлиқ одамнинг ақли бовар қилмайдиган синоатларга тўла...

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Ўразбаевга падари бузруквори

**Абдулаҳат ота ЎРАЗБАЕВ**

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим муҳаррири Йўлчи Асадовга падари бузруквори, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раиси, устоз журналист

**Бахтиёр АСАДОВ**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

Navbatchi muharrir: Z. Rixsiyev
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdujalilov
Bosishga topshirish vaqti – 18:00
Topshirildi – 18:30
Bahosi kelishilgan narxda
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Nashr ko‘rsatkichi: 133
**Umumiy adadi 35 046 та**
**Shundan:**
**7521 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 061 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8464 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda **chop etildi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 099**
1 2 3 4 5 6